

Боев Бекзоджон Жўрақул ўғли,
Тошкент молия институти ўқитувчиси;
Аманова Шахнозахон Хайрулла қизи,
Тошкент молия институти магистранти

МАМЛАКАТ КОРПОРАТИВ СОЛИҚЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

УДК: 336.221

БОЕВ Б.Ж., АМАНОВА Ш.Х. МАМЛАКАТ КОРПОРАТИВ СОЛИҚЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мақолада корпоратив солиқларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти атрофлича тадқиқ этилган. Шунингдек, мамлакатимизда корпоратив солиқларни режалаштиришни такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: Ҳаракатлар стратегияси, иқтисодиёт, корпоратив солиқ, солиқ юки, капитал ҳаракати, солиқларни режалаштириш, инвестицион жозибадорлик, ЯИМ, инвестиция.

БОЕВ Б.Ж., АМАНОВА Ш.Х. ЗНАЧЕНИЕ ОПЫТА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ КОРПОРАТИВНОГО НАЛОГОВОГО ПЛАНИРОВАНИЯ СТРАНЫ

В статье подробно рассмотрены роль и значение корпоративных налогов в экономическом развитии страны. Также на основании изучения опыта зарубежных стран сделаны выводы и рекомендации по улучшению планирования корпоративных налогов в нашей стране.

Ключевые слова: Стратегия действий, экономика, корпоративные налоги, налоговая нагрузка, движение капитала, планирование налогов, инвестиционная привлекательность, ВВП, инвестиции.

BOYEV B.J., AMANOVA SH.X. THE PRACTICE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE IMPROVEMENT OF PLANNING CORPORATE TAXES IN OUR COUNTRY

There is analyzed in the article role and importance of corporate taxes in the economic development of the country. Moreover, there proposals for improvement of corporate tax planning in our country are given based on the experience of foreign countries.

Keywords: strategy of action, economy, corporate tax, tax burden, capital movement, tax planning, attractiveness of investment, GDP, investment.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётидаги интеграциялашув жараёнларининг кучайиб бориши кўп жиҳатдан корпоратив тузилмаларда юзага келадиган солиқ муносабатларига бевосита боғлиқ. Корпоратив молияни бошқаришда фаолиятни хорижий давлатларда ташкил этиш билан боғлиқ қарорлар айнан солиқ омилини ҳам ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади ва капитал ҳаракатланиши солиқ юки даражасидан келиб чиққани. Бунда инвесторлар мамлакатларда солиқ муносабатларининг амалдаги ҳолатини Doing Business (Жаҳон банки), Paying Taxes (Praysuoterhauskupers ва Жаҳон банки гуруҳи) ҳисоботлари асосида таҳлил қиладилар¹.

Мустақиллик йилларида республикамизда бизнесни ривожлантириш ва корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган солиқ тизими шакллантирилди. Бунда солиқ юкини камайтириш мақсадида солиқ қонунчилигини такомиллаштириб бориш, солиқ тизимини соддалаштириш каби масалаларга устувор даражада эътибор қаратилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» масаласи алоҳида белгиланди².

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корпоратив солиқларни режалаштириш масалалари хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисоалар ва мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, И.И.Бабленкова: «... аслида корпоратив солиқни режалаштириш корхона фаолиятини амалдаги қонунчиликни бузмасдан маълум муддат давомида солиқ мажбуриятларини минималлаштиришнинг бир йўли сифатида ташкил этиш демакдир», дея таъкидласа³, Р.Г.Михайлян «... солиқни режалаштириш корхона фаолиятини режалаштириш жараёнининг ажралмас қисмидир

ва тўғри фаолиятнинг режалаштирилиши орқали бошқариш корхоналар керакли ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият билан шуғулланишига имкон яратади, натижада солиққа тортишни минималлаштиришга олиб келади. Албатта, солиқларни режалаштириш компания фаолиятини режалаштириш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади», дея фикр билдирса⁴, Э.С.Вилкова «солиқ режалаштиришни кенгроқ тушунча сифатида ажратиш керак», деб ҳисоблайди⁵. Б.Тошмуродова ҳамда С.Элмирзаев фикрларига кўра, «... солиқларни режалаштириш ташкилотнинг умумий мақсадидан келиб чиққан ҳолда фақатгина солиқ тўловларини камайтиришга йўналтирилмайди, бунда солиқ тўловларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар солиқларни режалаштиришнинг бир қисми сифатида эътиборга олинади», деб таъкидлашади⁶.

Таҳлил ва натижалар. Ҳеч кимга сир эмаски, солиқлар давлат бюджетининг асосий даромад манбаидир. Солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатда амал қилаётган солиқ қонунчилиги бевосита ва билвосита ҳудуднинг инвестицион жозибдорлигига таъсир этади, айниқса корпоратив солиқлар чет эл инвесторларини биринчи навбатдаги қизиқишларидан биридир. Корпоратив солиқ жисмоний шахслар солиғидан (personnel tax) фарқли равишда, юридик шахслар (масалан, компания ва акциядорлик жамиятлари) фаолияти билан боғлиқ бўлган солиқлар ҳисобланади. Бу солиқ тури компаниянинг тижорат операцияларидан келган даромадлари ва компаниянинг бошқа киримлари, шунингдек, компанияларнинг ўзаро кўшилиб кетишидан олинган даромадни ҳам қамраб олади. Солиқни режалаштириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ сиёсатини амалга оширишда қўлланадиган чора, усул ва воситалар ҳамда корпо-

¹ Elimirzayev S.E. Korporativ moliyani boshqarishda soliq munosabatlarini samarali tashkil etish masalalari. Monografiya. - T.: «Iqtisod-moliya», 2017.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

³ Бабленкова И.И. и др. Прогнозирование и планирование в налогообложении. Учебник. - М.: «Экономика», 2009.

⁴ Михайлян Р.Г. Методические рекомендации к выполнению контрольной работы по дисциплине «Налоговое планирование». - Архангельск: Арханг. гос. техн. ун-т, 2009. -С. 47.

⁵ Вилкова, Е.С. Налоговое планирование в 2 т. Том 2: учебник для вузов, 2016.

⁶ Toshmurodova B., Elmirezayev S. Korporativ soliq menejmenti. O'quv qo'llanma. - T.: «Mumtoz so'z», 2012.

ратив солиқларни бошқаришнинг яхлит тизимидир. Солиқлар сиёсатининг мақсади солиқларни оптималлаштириш, солиқ тўловчининг солиқ юкини камайтиришга эришишни англатади¹.

Корпоратив солиқларни режалаштириш амалдаги солиқ қонунчилик ва корпоратив ривожлантириш стратегиясига мувофиқ иқтисодий ва молиявий фаолиятни тартибга солишдан иборат бўлган жараён. Ушбу жараён, шунингдек, ташкилотнинг молия-хўжалик фаолияти соҳасидаги қарорларни баҳолаш, юзага келиши мумкин бўлган солиқ тўловларининг миқдори ва ташкилотнинг мақсадлари нуқтаи назаридан энг яхши ечимларни танлашни ҳисобга олган ҳолда, олдиндан уларни прогнозлаш ҳамда баҳолашдир. Корпоратив солиқларни режалаштиришни муҳим аҳамиятли жиҳатларини инвестиция маблағлари, корхонани қайта ташкил этиш, янги бозорга кириш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бизнес шерикларни танлаш ва бошқалар каби ҳар қандай қарор солиқ имтиёзларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланишида кўришимиз мумкин. Оптимал солиқларни режалаштириш учун солиқ қонунчилигининг барқарорлиги жуда муҳимдир.

Солиқни режалаштириш ҳар қандай бошқариш фаолияти каби оператив, тактик ва стратегик элементларни ўз ичига олган тизим сифатида ифодаланиши мумкин. Солиқларни режалаштириш жараёнининг асосий элементи операция даражасидир, баъзи адабиётларда ички солиқ назорати деб ҳам аталади.

Корпоратив солиқларни режалаштириш мавжуд адабиётларда бир қанча тамойиллар асосида амалга оширилади, аммо улардан энг кенг тарқалганлари қуйидагилардир²:

Қонунийлик тамойили:

1. Хўжалик фаолиятининг ҳақиқий натижаларидан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловларининг миқдорини белгилаш.

2. Қонун асосида солиқ тўловлари тизимларини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш.

3. Солиқларни ҳисоблашда қонунда белгиланган муддатлардан келиб чиққан ҳолда солиқларни тўлаш.

Оперативлик тамойили:

1. Амалдаги қонунчиликда оператив ўзгаришларни ҳисобга олиш.

2. Молиявий, бюджет, солиқ, инвестиция сиёсатининг асосий ҳисобини юритиш.

3. Солиққа тортиш ва бизнесда юзага келадиган имкониятларни прогнозлаш.

4. Солиқ рискларини баҳолаш.

5. Ички сиёсатдаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда режаларни мослаштириш.

Муқобиллик тамойили:

1. Солиқларни режалаштириш методларини қўллашда тактик қарорлар қабул қилишда стратегик мақсадларнинг устуңлигини таъминлаш.

2. Нархлар нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлигини таъминлаш учун янги шароитларни яратиш.

3. Назорат қилувчи органлар ва солиқлар ҳолатини инобатга олган ҳолда тўловларни минимизация қилишдан юзага келиши мумкин бўлган қонуний натижаларга баҳо бериш; ушбу солиқ ставкаси ва тартиби давлатнинг бюджет ва фискал сиёсатига боғлиқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, корпоратив солиқ ставкаси мамлакатлар миқёсида турличадир³. Мисол учун:

- АҚШда корпоратив солиқларнинг ставкаси 34%ни ташкил этади, лекин компания биринчи 50 минг долларлик фойдасига 15%, кейинги 25 минг долларга 25% ва қолган сумма қисмига 34% миқдорида солиқ тўлайди. Агар 100 мингдан 335 минг долларгача фойда қилса, қўшимча 5% солиқ тўлайди. Корпорациялар фойдасидан солиқ АҚШ штатларида ўзаро боғлиқ ҳамда алоҳидадир (3-12%). Шунингдек мамлакатда компанияларга турли солиқ имтиёзлари тақдим этилади.

- Буюк Британияда асосий корпоратив солиқнинг ставкаси 35%, лекин фойданинг 200 минг фунт стерлинггача 25% фоиз солиқ тўлайди. 200 минг дан 1 млн. гача қиймат 35% солиққа тортилади. Акциядорлар дивидендларидан олинadиган фойда солиғи тўлови корпоратив солиқ ҳисобланади:


- Францияда 34%;
- Германияда ўртача 42%;
- Японияда тахминан 40%;
- Сингапурда 17% ни ташкил этади.

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўриш мумкин, Сингапур бу рўйхатда ставка пастлиги бўйича энг охириги ўринда.

¹ Elimirzayev S.E. Korporativ moliyani boshqarishda soliq munosabatlarini samarali tashkil etish masalalari. Monografiya. - T.: «Iqtisod-moliya». 2017.

² <http://www.be5.biz/ekonomika/n002/2>.

³ <https://ru.tradingeconomics.com/singapore/corporate-tax-rate#historical>.

1-расм. Сингапурдаги корпоратив солиқ ставкаси динамикаси¹.

Сингапурда инвестицион жозибаторлик мақсадига эришиш учун даромад солиғи ставкалари аста-секин камайган.

Кўпинча иқтисодчилар Сингапурни корпоратив солиқ ставкасини пасайтириш орқали глобал инвестицияларни жалб қилиш ва инвестицион жозибаторликни ошириш учун турли солиқ имтиёзларини жорий қилишни давом эттирувчи мамлакатнинг энг яхши намунаси сифатида тилга олишади.


Сингапур битта корпоратив солиқ ставкасига эга бўлган ягона даражали ҳудудий солиқ тизими эга. Сингапурдаги инвестицион муҳит учун қулай бўлган солиқ ставкалари давлатга хорижий инвестициялар оқимига ҳисса қўшадиган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. 2003 йил 1 январдан бошлаб Сингапур корпоратив солиғи бўйича ягона даражали солиқ тизими қабул қилинди. Яъни Сингапурда солиқ бўйича манфаатдор томонлар учун икки томонлама солиққа тортиш мавжуд эмас. Сингапур компаниясининг солиқ солинадиган даромади бўйича тўлайдиган солиқ якуний солиқ ҳисобланади ва Сингапур компаниясининг акциядорларига тўлайдиган барча дивидендлар солиққа тортишдан озод қилинади. Сингапурда капиталнинг даромад солиғи йўқ. Мисол учун, кўплаб бошқа ривожланган мамлакатларда, капиталнинг даромад солиғига асосий воситаларни сотишдан олинadиган даромадга, ўз капиталининг манипуляцияси натижасида ҳосил бўлган хорижий валютадаги

даромадларга солиқ солинади. Сингапурда шундай солиқ тури йўқ. Сингапурдаги асосий корпоратив солиқ ставкаси - қатъий солиқ ставкаси 17%ни ташкил этади.

Солиқ ставкасининг пасайтирилиши Сингапур ЯИМнинг таркибидаги ишлаб чиқаришнинг улуши ошганлигини 2-расмдан кўришимиз мумкин. Бунда 2010 йилда ЯИМ таркибидаги ишлаб чиқариш улуши 17359,5 млн. СГД, 2012 йилда 19893,6 млн. СГД, 2014 йилда 20359 млн. СГД, 2016 йилда 168240,4 млн. СГД, 2018 йилда 23657,3 млн. СГДга эришилган ва бу рақамлар корхоналардаги солиқ юқининг енгиллаштирилиши билан изоҳланади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда корпоратив солиқларни режалаштиришни такомиллаштиришда хорижий давлатлар тажрибаси мавзусида олиб борган изланишларимиз юзасидан шундай хулоса қилиш мумкинки, солиқлар ва уларга оид сиёсатлар мамлакатдаги корпорациялар (акциядорлик жамиятлари) фаолият юритишида муҳим дастак ҳисобланади. Солиқлардаги имтиёзлар янги ташкил этилган компаниялар учун уларнинг фаолиятига «ёрдам берувчи» бўлиши керак. Зеро, инвестицион жозибаторлик қанча юқори бўлса, мамлакатга инвестиция оқими кучаяди ва бу бир қанча омиллар сингари солиқларга ҳам боғлиқ. Корпоратив солиқларни режалаштиришда юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқадиган бўлсак, корпоратив солиқларни режалаштириш корхона фаолиятининг асосий фаолияти билан бевосита таъсир этувчи, ажралмас бўлаги эканлигини кўришимиз мумкин. Унинг тамойилларига асосланиб

¹ <https://ru.tradingeconomics.com/singapore/corporate-tax-rate#historical>.

2-расм. ЯИМ таркибидаги ишлаб чиқаришнинг улуши (Сингапур долларларида СГД)¹.

солиқларни режалаштириш бизга келаси фаолиятимизда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлардан осонгина чиқиб кетишимиз, бу ҳолатларга мос ҳолда тактик ва стратегик режалар ишлаб чиқишимизга кўмаклашади. Шунингдек, солиқларни ўз вақтида тўлаш бюджет даромадлари ошишига олиб келиши билан бирга корхоналарга солиқ тўловларини қонуний тарзда минимизация қилишга ёрдам беради.

Корпоратив молияни бошқаришда солиқларни режалаштириш самарадорлиги бевосита олинган

қўшимча фойда ёки қилинган харажат туфайли кўрилган зарар билан баҳоланади. Айнан эришилган қўшимча фойда асосида натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш солиқларни режалаштириш самарадорлиги ўсишини таъминлайди. Бунда солиқ органлари билан доимий алоқани таъминловчи ишчи муҳит яратиш, тезкор ва аниқ ахборотлар ҳамда уларни чуқур таҳлил қилиш имконини берувчи дастурий воситалар билан ишлаш масалаларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон фармони.
3. Elimirzayev S.E. Korporativ moliyani boshqarishda soliq munosabatlarini samarali tashkil etish masalalari. Monografiya. - T.: «Iqtisod-moliya», 2017.
4. Бабленкова И.И и др. Прогнозирование и планирование в налогообложении: учебник: - М.: «Экономика», 2009.
5. Михайлян Р.Г. Методические рекомендации к выполнению контрольной работы по дисциплине «Налоговое планирование». / Сост. Архангельск: Арханг. гос. техн. ун-т, 2009. -С. 47.
6. Вилкова Е.С. Налоговое планирование в 2 т. Том 2 : учебник для вузов, 2016.
7. Toshmurodova B., Elmirezayev S. Korporativ soliq menejmenti. O'quv qo'llanma. - T.: «Mumtoz so'z», 2012 yil.

¹ <https://ru.tradingeconomics.com/singapore/gdp-from-manufacturing>